

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

522100-Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши битирувчиси Умарова
Севаранинг бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

“Ахлоқшунослик терминларининг мавзуий гуруҳлари ва ясалиши ”

мавзуидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: доц. И. Пардаева

Гулистон - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

Ишнинг умумий тавсифи1-3

Кириш4-13

Биринчи боб. Сирдарё вилояти ахлоқшунослик терминларининг мавзуй-маъновий хусусиятлари.

1). Ахлоқшунослик терминларининг мавзуй

гуруҳлари..... 14-23

2). Ахлоқшунослик терминларининг баъзи

маъновий хусусиятлари..... 24 - 29

Иккинчи боб. Сирдарё вилояти ахлоқшунослик терминларининг луғавий ва грамматик хусусиятлари.

1). Ахлоқшунослик терминларининг ясалиши.

а). Морфологик усул.

б). Синтактик усул.....30-35

2). Ахлоқшунослик терминларининг луғавий хусусиятлари...36-40

Умумий хулосалар.....41-42

Адабиётлар..... 43

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбек тилшунослигида ҳар доим долзарб бўлган соҳалардан бири терминшуносликдир. Маълум бир соҳага тегишли бўлган атамаларни тўплаш, таҳлил қилиш ва луғат ҳолатига келтириш тилшунослардан катта меҳнат талаб қилади. Ана шу заҳматли меҳнатлар самараси ўлароқ деярли барча соҳаларни қамраб олган ўзбек терминологияси ҳозирги кунда кўп ва хўп ўрганилган ва ўрганилаётган фанлардан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, атамаларнинг маъновий, грамматик хусусиятлари ҳамда луғавий қатламларининг баъзи қирралари ҳали тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Жумладан, ахлоқшуносликка оид атамаларнинг ҳудудлараро ўрганилиши, маъно хусусиятлари, маълум бир луғавий қатламга хос эканлиги ва грамматик хусусиятлари ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларни, бой маънавий бойликларни ўрганишга кенг йўл очилди. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ўзининг барча чиқишларида ҳам тарихий ва маънавий соҳаларга катта эътибор қаратмоқда: «Хурфидорлик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва ривожлоридан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислоҳ - ота-боболаримизнинг дини-мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир...». [1] Шунга кўра ҳам биз танлаган мавзунинг долзарблиги ўз-ўзидан аниқлашади. Умуман олганда, Ўзбек тилида ахлоқ ва уни ўрганиш, аниқса, унга тааллуқли атамаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни ҳамма даврларда ҳам тилшуносликнинг кенг қамровли ва долзарб масалаларидан бири бўлган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ахлоқшунослик энг қадимги фанлардан ҳисобланади. Шу жумладан, ахлоққа оид бўлган атамаларни ўрганишга ҳам янги бир тадқиқот сифатида ёндашсак, хато бўлар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон. 1999. 19-бет

Ахлоқшуносликка оид терминларнинг тилшуносликнинг барча қирралари асосида таҳлил қилсак, бир неча китобдан иборат асарлар дунёга келади. Бизнинг камторона ишимизда юқорида таъкидланган жиҳатлар эътиборга олиниб, баҳоли қудрат Сирдарё вилояти шеваларига оид ахлоқшунослик терминларини тўплаб бу мавзуда ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қилдик. Биз, албатта, олдимизга қуйидаги мақсад ва вазифаларни қўйдик:

- Ўзбек тилида ахлоқшунослик терминларини тўплаш;
- Ўзбек тилида ахлоқшунослик атамаларини маълум бир мавзуй гуруҳларга бўлиш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбек тилида ахлоқшунослик терминларининг маъновий хусусиятларини таҳлил қилиш ва изоҳлаш;
- Ўзбек тилида ахлоқшуносликка оид терминларнинг грамматик ҳолатларини очиб бериш;
- Ўзбек тилида ахлоқшунослик терминларини луғавий хусусиятларини ўрганиш ва ёритиб бериш.

Тадқиқот методи. Масалани ўрганишда ўзбек тилшунослиги аъёнларига риоя қилинди. Ўзбек тилида ахлоқшуносликка оид атамаларни тавсифий, синхрон усулларда таҳлил қилинди.

Тадқиқот материали. Тадқиқот матириали, аҳоли билан бўлган суҳбатлар, шеваларида учрайдиган материаллар, шунингдек, мумтоз адабиёт вакиллари асарлари ҳамда У.Маҳкамовнинг «Ахлоқ-одоб сабоқлари», «Ҳикматлар хазинаси», «Ўзбек халқ мақоллари» ва Ҳадислардаги ахлоққа оид атамалардан фойдаландик.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ва назарий-амалий аҳамияти.

Иш ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган, Ўзбек тилида ахлоққа оид терминларнинг луғавий-маъновий ҳамда грамматик жиҳатларини янгича талқин қилинган ҳолда ўрганилиши билан ажралиб туради. Бу тадқиқотимиз лексикология, нутқ маданияти, грамматиканинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини янада тўлдириши, шу соҳада яратилажак монографик ишларни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Шунингдек, иш

кўрсатилган соҳалар бўйича махсус курслар, ўқув қўлланмалари ва услубий тавсиялар яратишда ҳам фойда келтира олади.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Тадқиқот рус, туркий ҳамда ўзбек тилшунослигининг лексикология, стилистика, нутқ маданияти каби соҳалари бўйича эришилган ютуқлар асосида юзага келди. Ишнинг асосий методологик асоси луғавий-маъновий ҳамда грамматик нуқтаи назардан тавсифлаш, қиёслаш каби методлардан ташкил топган бўлиб, тадқиқот синхроник режада амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги жиҳатларда ўз аксини топган:

- мазкур тадқиқотда, Ўзбек тилида ахлоқшуносликка оид терминларнинг маъновий ва грамматик хусусиятлари яхлит тарзда ўрганилди.

- тадқиқот ишимизда ахлоқшунослик терминлари маълум бир луғавий қатламга тааллуқли эканлиги аниқланди. Уларнинг ўзбек тили лексикологиясида тутган ўрни белгиланди ва умумхалқ тилига муносабати ўрганилди.

Тадқиқотнинг тузилиши. Ишнинг умумий тавсифи, кириш, икки асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

КИРИШ

Академик В.В.Виноградов терминологияга бағишланган йиғилишларнинг бирида шундай деган эди: «Термин ва терминология муаммоси умумий тилшунослик назариясига киради. Термин тушунчасини уқиб олиш билан боғлиқ бўлган барча нарсалар лингвистикани илмий билишни ҳар-хил соҳалари билангина эмас, балки ишлаб чиқариш амалиёти, профессионал меҳнатнинг турли-туман соҳалари билан ҳам яқинлаштиради. Ҳар ҳолда бу ерда тил тараққиёти, унинг лексик системаси, халқнинг моддий ва маънавий тарихи билан алоқаси борлиги кўзга ташланади. Фан, маданият, ишлаб чиқариш фаолиятининг у ёки бу соҳаси терминологиясининг ривожланиши ҳақида хиссадир. Шуниси аниқки, ҳар қандай фаннинг тарихи муқаррар равишда шу соҳанинг тушунчалари ва терминлари тарихини ўз ичига олади.» Мана шу сабабларга кўра, ҳозирги ўзбек тилининг атамаларини вужудга келиш сабабларини, аниқроғи, тарихини ўрганишдан бошлашимиз керак. Илмий характердаги ном ва атамалар қадим замонлардан, яъни ер юзидаги мавжудот, борлиқни илмий билишнинг дастлабки давридан юзага кела бошлаган. Уларнинг тобора кўпайиб ва ривожланиб бориши қадимги Ўрта Осиё, Юнонистон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда тиббиёт, астрономия, математика, география, фалсафа фанларининг тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Кейинроқ илмий терминология ишлари Европада ҳам ривожлана бошлади. Бунда айниқса, латин тили асосий роль ўйнади. XVII-XVIII асрларда табиатшунослик, химия, физика каби фанлар терминологиясини ривожлантиришда швед олими Карл Линней, француз олими А.Лавуазье, рус олими М.В.Ломоносовларнинг хизмати ғоят каттадир.

Ўтган асрнинг 20-30 йиллари мобайнида Ўзбекистонда «Янги алифбе ва терминология Марказий кўмитаси» тузилиб, физика, математика, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, узумчилик каби соҳалар терминологияси бўйича анчагина ишлар қилинди. 1954 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти чиқарган «Ўзбек тилшунослиги масалалари» тўпламида ҳам терминологияга кенг ўрин берилган. Ҳимоя қилинган диссертациялар

терминологияни монографик режада тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб берди. Бу диссертациялар ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ва қатор фанларга оид терминларни тадқиқ этишга бағишланган. Собиқ Иттифок даврида терминология таълимининг пойдеворини қуриш, унинг назарий ва амалий талабларини ишлаб чиқиш дастлаб Г.О.Винокур, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, В. В.Виноградов, Н.А.Баскаков, А.К.Боровков, К.К.Юдахин, В. В. Решетов, С. Иброҳимов, О. Усмонов, З. Маъруфов каби олимлар зиммасига тушди. Ўзбек, татар, қozoқ ва бошқа туркий тилларда тилшунослик, ботаника, физика-техника терминлари масалаларига бағишланган кўпгина илмий-назарий ишлар юзага келди. Булар орасида Л. В. Решетованинг «Ўзбек тилида лингвистик терминлар яшашнинг асосий усуллари» («Ўзбек тили ва адабиёти» 1964, №1-сон, 43-48 бетлар), С. Ақобировнинг «Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида» («Ўзбек тили ва адабиёти» 1964 йил, №3-сон 31-39 бетлар), Ф. С. Фасиевнинг «Татар адабиётида термин яшаш усуллари» («Наука» 1961 йил 4-56 бет), Е. Рамазоновнинг «Русча-қozoқча ботаника луғати» каби ишлар эътиборга лойиқдир. Шулар билан бир қаторда Республикамиз тилшунослари томонидан қатор илмий диссертациялар ҳимоя қилинди. Булардан, ботаника бўйича (Х. А. Жамолхонов «Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиши тарихидан» номзодлик диссертацияси, Тошкент, 1969 йил), тилшунослик соҳаси бўйича (Л.В.Решетова, «Узбекская грамматическая терминология» номзодлик диссертацияси, Тошкент, 1965 йил), адабиётшунослик соҳаси бўйича (Н.Т.Ҳотамов, «Совет даврида ўзбек адабиётшунослиги терминологиясининг тараққиёти», номзодлик диссертацияси Тошкент, 1971 йил), математика (О.Рамазонов, «Ўзбек математика терминологиясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихидан» номзодлик диссертацияси Тошкент, 1973 йил), метеорология соҳаси бўйича (Л.В.Данилова, «Метеорологическая лексика тюркских языков» номзодлик диссертацияси Тошкент, 1972 йил) қилинган номзодлик ишлари шулар жумласидандир.

Ўзбек олимлари орасида С.Иброҳимов «Қасб ҳунар лексикаси» деб аталган бебаҳо бойлигини катта бир терминологик қатлам сифатида тўплаб

ҳамда уни китоб ҳолида нашр этиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлиги ўзбек тилшунослигида катта аҳамиятга эга бўлди.

1929 йилда Самарқандда биринчи конференция чақирилди. Бу конференцияда терминология соҳасига, унинг ёзилиши ва тузилишига бағишланган қатор муаммолар кўтарилди. Конференцияда ўзбек тилини ва терминологиясини ривожлантириш ҳақида режалар тузиб олинди. 1927 йилда Тил-термин давлат қўмитаси тузилди. Бу қўмита ўзбек терминологияси нормалари ва такомиллаштиришга жадал ҳисса қўшди. Термин луғатлар нашр этила бошланди: «Математик терминлар луғати» (1931 й), «Пахтачилик бўйича луғат» (1933й.), «Административ-ҳуқуқ терминлар» (1933й.) ва бошқалар. Халқ терминларини йиғишда ва нашр қилишда С.Иброҳимов ва Н.Сайфулмулков (1933-1936 й.) луғатлари катта роль ўйнади.

Бу луғатлар таъсирида ва тараққиётида катта силжишлар илмий терминларнинг такомиллашишига олиб келди. Шундай қилиб ўтган асрнинг 20 йилларидан 30 йилларигача 170 та терминологик луғатлар нашр этилди. Ўзбек тилшунослигида ҳозирги кунда бир тиллик терминологик луғатлар: «Адабиётшунослик терминлар луғати» (1967й.), «Ўрта асрлар тарихи маънавий луғати» (1979й.), «Чизмачиликка оид терминологик луғат» (1977й.); икки тиллик терминологик луғатлар: (Республикамизда 50 дан ортиқ шундай луғатлар чоп этилган. Буларнинг ҳаммаси рус-ўзбек тилларидаги терминологик луғатлардир). Булар, «Русча-ўзбекча гидротехник терминлар луғати» (1969 й.), «Русча-ўзбекча физик луғатлар» (1972, 1974й.); уч тиллик терминологик луғатлар: «Лотин-ўзбек-рус тилларидаги микроскоп анатомия луғати». А. А. Асқаров, Т. Нажмиддинов (1933й.), «Ўзбек-лотин ва рус-ўзбек полизчилик номлари». С. Саҳобиддинов (1936 й.), «Рус – лотин - ўзбек медицина луғати» С.И.Ёкубова, Ф.Ж.Тўлаганов (1978й.) олти тиллик терминологик луғат; (1977 йилда Баку шаҳрида чоп этилган), «Рус-инглиз – азарбайжон – қирғиз – туркман - ўзбек автоматик бошқариш терминлари луғат»лари мавжуд.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг терминология ишларини йўлга қўйиш, ундаги камчиликларга барҳам бериш мақсадида қатор тадбирлар кўрилди.

Ўзбек тили илмий терминологиясининг назарий масалаларини ишлаб чиқишга қизиқиш кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1955 йилда А.Маматовнинг «Ўзбек пахтачилик терминологияси» номли номзодлик диссертацияси юзага келди. 1952 йилда республика газеталари саҳифаларида тилшуносликнинг имло, диалектология ва терминология соҳаларига бағишланган қатор масалалар эълон қилинди.

Булардан ташқари атоқли тилшунослардан К.Зокиров ва Э.Жамол-хоновларнинг «Ўзбек ботаника терминологияси масалалари» (Тошкент, Ўз.ФА нашриёти, 1966 й), С. Усмоновнинг «Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари» (Тош.Ўқитувчи, 1968 й), С.Акобировнинг «Тил ва терминология» (Тош.1968) брошюралари, Н. Ҳотамовнинг «Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат» (Тош.Ўқитувчи, 1969й) асарлари ўзбек тили терминологиясининг у ёки бу актуал масалаларига бағишланган махсус ишларидандир. Шундай қилиб, 1987 йилда Москвада Р.Донёровнинг «Ўзбек терминологияси» деб номланган илмий рисоласи чоп этилди. Ушбу илмий рисолада ўзбек тилшунослиги терминологиясининг 70-80 йиллик тарихи баён этилди.

Ҳар қайси соҳада бўлганидек, ўзбек тили терминологиясининг назарий масалаларини ишлаб чиқишда ҳам рус тили терминологиясига бағишланган махсус тадқиқотлар маълум даражада роль ўйнайди. Бу борада талантли терминшунос, терминологик тадқиқотлар ташаббускори, Д.С.Лоттенинг ишлари алоҳида диққатга сазовордир.²

Д.С.Лотте терминологик системани юзага келтиришда қатор усуллар мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтган бўлиб, бу эса ўзбек терминшунослиги учун ҳам муҳим саналади. У илмий-техник терминлар яшашнинг қуйидаги усуллари кўрсатиб ўтган эди:

І. Ташқи ўхшашлик ёки ўзаро боғлиқлик асосида кўчириш йўли билан мавжуд терминлардан ёки умуман таомилдаги сўзларнинг маъносини ўзгартириш, масалан, «чарчаганлик», (усталость), «чидамкорлик»

²Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Т. Фан. 1972. 12-13-бетлар

(вьносливость), «гусеница» (из) каби.

II. Турли аффикслар (суффикслар, префикслар) ни қўллаб, мавжуд сўзлардан ҳосила сўз ясаш. Масалан: (магнит-магнитлаш-магнитлик) каби.

III. Мавжуд бўлган мустақил сўз ва ўзакларни (булар баъзан қисқарган бўлиши ҳам мумкин) бир-бирига қўшиш йўли билан янги қўшилмалар, кўп ўзакли сўзлар ҳосил қилиш. Мас: «Электровоз», «автомашина».

IV. Бирикма терминлар ҳосил қилиш, яъни икки ёки бир нечта мустақил сўзлар (мустақил маънога эга бўлган сўзлар)ни мавжуд бўлган бирор синтактик қолип воситасида доимий бирикмага айлантириш, масалан, «ичидан ёнгич двигатель», яримўтказгичли прибор.

Терминологияни қайта кўришда ва янги термин ҳосил қилишда биринчидан, илмий аниқлик талаблари, ва иккинчида, қисқалик талабларини бир-бири билан қандай қилиб уйғунлаштириш керак деган масала ҳамиша кўтарилади. Шунинг учун ҳам баъзан ажнабий терминларни ўзлаштириш ишига мурожаат қилинади.

Бунда икки хил ҳодисага амал қилади:

1. Ёзма ёки оғзаки формадаги терминни «тайёр ҳолда» кўчириш.
2. Ажнабий терминни рус тилидан айнан таржима қилиш.

1959 йилда умумтерминшуносликда муҳим воқеа рўй берган эди, яъни биринчи марта бутуниттифоқ терминологик кенгаш чақирилди. Ижтимоий - сиёсий, илмий - техник, таълимий - педагогик ҳамда лингвистик терминологияларни ишлаб чиқиш ҳамда қардош халқларнинг адабий тиллари имлоси билан альфавити масалаларига бағишланган мазкур кенгашда 60 миллат вакиллари иштирок этди.

Шуниси характерлики, унда республикаимиз олимларидан С.М.Бурдин, З.А.Аминов, В.В.Решетов, С.Ф.Акобировлар қатнашиб, музокараларда иштирок этишди. Кенгашда тингланган В.В.Виноградовнинг кириш сўзи ва маърузаларнинг барчасида, айниқса, Т.А.Бертагаев, Ю.А.Дешериев, А.А.Реформатский, Н.А.Баскаков, Н.К.Сухов, Т.Г.Бронцева, Л.Р.Зиндер, Е.И. Убрятова кабиларнинг чиқишларида терминологиянинг актуал назарий масалалари кўтариб чиқилди ва кенг муҳокама қилинди. Муҳими

шундаки, мазкур кенгашда ҳозирги терминологиянинг ҳал қилиши лозим бўлган муаммоли масалалари атрофлича кўриб чиқилган эди.

1970 йилнинг июнь ойида Ленинград шаҳрида бўлиб ўтган махсус терминологик кенгаш илмий-техник терминологиянинг лингвистик муаммоларни ўрганишга бағишланди. Унда С.Т.Бархударов, В.С.Кулебакин, Я.А.Климовицкий, Т.Л.Канделаки, Е.Н.Толкина, Н.П.Кузьмин, Л.Кутиналар махсус маърузалар билан чиқишди. Бу маърузаларда, шунингдек, кенгашда иштирок этган бошқа олимларнинг чиқишларида (афсуски, унда республикамиздан ҳеч ким иштирок этмаган) илмий техник терминологияни кўриш ва тартибга солишнинг лингвистик ҳамда мантикий масалалари кенг ўрганиб чиқилди. 1970 йилнинг ноябрь ойида қардош халқлар терминшунослари яна бир кенгашга тўпланишди. Бу гал Киев шаҳрида терминологияни ривожлантириш, тартибга солиш, илмий муассаса ҳамда Олий ўқув юртларида терминологик ишларнинг илмий даражасини ошириш муаммолари бўйича биринчи регионал илмий-методик кенгаш бўлиб ўтди. Унда собиқ иттифоқнинг барча республикаларидан вакиллар иштирок этди. Терминологияни ривожлантириш ва тартибга солиш муаммоларига бағишланган бу кенгашда терминология масалалари яхши йўлга қўйилмаганлиги, айрим республикаларда (мас. Ўзбекистонда) бу масалани тўғри ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, рус ва қардош халқлар терминшунослигида жуда катта ишлар қилинган; кўплаб докторлик, номзодлик диссертациялари ёқланган, катта-кичик кўпгина илмий асарлар ёзилган. Хусусан, академик С.А.Чаплигин, Д.С.Лотте, Г.О.Винокур, А.К.Сухов, А.И.Реформатский ва бошқаларнинг ишлари турли республикалар фанлар академияларининг техник терминология марказларида олиб борилаётган ишлар, нашр этилган луғатлар, терминология кенгашларининг материаллари диққатга сазовордир.³

³Усмонов О.,Акобиров С. Ўзбек тили илмий терминологиясининг ривожланиш тарихига оид//Ўзбек тили ва адабиёти,1972, 6-сон, 78-бет.

Бу ишлар орасида ахлоқшунослик терминлари ва бу борадаги назарий масалалар, муаммолар тўғрисида фикр юритилган тадқиқотлар ҳам бор. Лекин улар асосан рус тилидаги ахлоқшунослик терминларига бағишланган ишлардир. Ўзбек тилидаги Ўзбек тилида ахлоқшунослик терминлари деярли ўрганмаган ва ўрганилмаган, йўл-йўлакай айтилган фикр-мулоҳазалар эса бу мавзунини ижобий ҳал қилиб бермайди.

Ўзбек тилидаги ахлоқшунослик терминлари ўзбек халқининг ахлоқий қарашларининг шаклланиши ва тарихий тараққиётида қуйидаги асосий манбалар муҳим роль ўйнаганлигини айтиб ўтишимиз лозим.

1. «Авесто» таълимоти.

2. Ислом дини

3. Мумтоз адабиёт.

Бу манбалар орасида ҳеч шубҳасизки, Ислом дини ҳал қилувчи, узил-кесил аҳамиятга эга манба ҳисобланади. Бу бежиз бўлмай, Ислом дини асосларининг энг сўнгги ва энг мукаммал ахлоқ меъёрлари эканлиги билан изоҳланади. Биз бу ерда Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим ва Муҳаммад с.а.в. пайғамбаримизнинг ҳадисларини назарда тутаямиз.

Ҳадис-Ислом дини таълимоти бўйича муқаддас манба бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек унинг доимий ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Муҳаммад пайғамбар бирор гап ёки бирор ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг ўзлари қилаётган бирор ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири суннат ҳисобланади. Ана шундай хатти-ҳаракатлар ёки кўрсатмалар ҳақидаги ривоят ҳадис деб юритилади. Ҳадисларда ибодатнинг тартиб қоидалари ва уларни мукаммал бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар ҳам кенг ташвиқ қилинади. Инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил сифатлар қораланади.

Ҳадисларда тарбия, ахлоқ-одоб, ўзаро дўстлик муносабатлар, қариндош-уруғ, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф-товфиқни тарғиб қилиш билан бирга разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна, фисқу фасод, зулм каби иллатга нисбатан

нафрат туйғулари ҳам ўз ифодасини топган. Табиийки, «Қуръони Карим» ва пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ларнинг мазкур ҳадислари жамиятимиз кишиларини, хусусан ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашдек умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлашда асосий ва ахлоқий манба бўлиб хизмат қилади.

Ахлоқ-одобга оид ҳикматлар халқимизнинг қадимдан севиб ва амал қилиб келаётган маънавий озуқаларидан ҳисобланиб келинади. Қуръони Каримнинг ўзи ваъзу насиҳатлардан иборат эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Дин эса одамларни покликка, эзгуликка етаклайди. Инсонни улуғлаш, унинг қадрига етиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни ахлоқ-одобли қилиб тарбиялаш, уларни камолга етказиш соҳасида етук олимларимиз бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар.

Одоб-ахлоқ ҳар қандай жамиятнинг маънавий, сиёсий ва моддий негизини ташкил этади. Одобсиз, ахлоқсиз жамиятнинг охири вой. «Одобнома» деб аталган тушунча доирасига кирувчи ахлоқий воқеликлар мазмуни жуда кенг. Одоб-ахлоқ тушунчасининг ўзи чуқур миллий фалсафий, сиёсий ва амалий хусусиятларга эга.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи вассаламнинг ўзлари: «Дин насиҳатдир» деган эдилар. Асрлардан буён одамларни тўлқинлантириб келаётган ва одоб-ахлоқнинг гултожилари ҳисобланган ҳадисларда «Хикмат-бу мўъмин кишининг йўқотган нарсасидир», «Имоннинг афзали-сабр ва кенг қалбли бўлишдир», «Иймонли одам ваъдага вафодор бўлади», «Кишининг гўзаллиги-унинг тилидан билинур»⁴ дейилади.

Одоб-ахлоққа оид ҳикматлар тўплами, ҳадисларни, шунингдек Ўзбек тилида ишлатиладиган ахлоқшунослик атамаларини ишимизга манба қилиб олдик. Зеро, халқимиз онги ва вужудига асрлар давомида сингган исломий эътиқод ва қарашлар кундан-кунга камол топиб барқарорлашмоқда.

Ана шундай шароитда Ўзбек тилида ахлоқшунослик атамаларини тўплаш ва илмий ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ахлоқшунослик

⁴ Асқаров ва бошқалар. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т. Фан. 1990.

терминларига боғлиқ масалаларнинг кўпчилиги ўзининг илмий талқини ва тавсифини топгани йўқ. Бизнинг ушбу битирув малакавий ишимиз ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Ҳозирги ёшларимизни миллий қадриятлар, ахлоқий фазилатларга муҳаббат руҳида тарбиялаб, бу назарияни кенгайтириб, бойитишимиз зарур. Бизнинг ушбу илмий ишимизда ҳам замонамиз ёшларининг маънавий қадриятлар руҳида тарбиялаш муаммолари ўз ечимини топади, деган умиддамиз. Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Исмоил Ал- Бухорий каби буюк алломаларнинг ахлоқий ғояларини таҳлил этиб, улардан ёшларимизни ақлли ва одобли қилиб тарбиялашда фойдаланишимиз керак. Зеро, Аҳмад Яссавийнинг ориф, Фаробийнинг фозил шахс, А. Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фикрлари маънавий қадриятларимизни ривожлантиришда ҳеч қачон ўз кучини йўқотгани йўқ ва йўқотмайди.

Чунки ахлоқ инсон шахсини улуғловчи асосий мезондир. Ҳар қандай жамиятда унинг ахлоқий жиҳатларига қараб баҳо берилади. Бинобарин, ахлоқшунослик терминларини илмий ўрганишимиз, илмий жиҳатдангина эмас, тарбиявий жиҳатдан ҳам муҳим ва долзарбдир. Шунинг учун ҳам биз ўзбек тилида қўлланадиган ахлоқшунослик терминларини тўпладик ва таҳлил қилдик.

I БОБ

ЎЗБЕК ТИЛИДА АХЛОҚШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ МАВЗУИЙ-МАЪНОВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. ЎЗБЕК ТИЛИДА АХЛОҚШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ

Тил луғат таркиби ва унинг луғавий бойликларини тадқиқ қилиш билан боғлиқ муайян қийинчиликлар мавжуд. Бу аввало, луғавий материални маълум системага солишнинг мураккаблигидир. Тилнинг фонетикаси, морфологик ва синтактик структурасида муайян системалилик мавжуд.

Луғат бойлигини ташкил этувчи сўзлар орасидаги ўзаро муайян алоқадорлик, бунга хос қонуниятлар, бу асосда юзага келувчи системалилик тилнинг ички тараққиёт қонуниятларига, лексикага, шунингдек, ташқи факторларнинг таъсирида юзага келадиган муайян кучларга таянади. Булар қуйидагилар:

1) сўзларнинг ясалиш имкониятлари, турли сўзларнинг ўзаро муносабати ва уларнинг маълум лексик-семантик гуруҳлар (масалан, сўз туркумлари)га бирлаша олиш кучи;

2) сўзларнинг ўзаро маъно муносабатлари билан боғлиқ кучлар (масалан, синонимлар, дублетлар, антонимлар, омонимлар, кўчма маъноли сўзлар ва ҳаказо);

3) сўзларнинг нутқда ўзаро қўшила олиш, боғлана олиш ва ёнма-ён кела олиш кучи;

4) сўзларнинг услубий талаб ва нутқий эҳтиёжларга кўра маълум гуруҳларга мослаша олиш кучи.

Тилдаги сўзларни мана шу асосда тасниф қилиш тилшуносликда сўзларнинг мавзуий гуруҳлари ёки сўзларнинг мавзуий қаторлари деб номланган. Сўзларнинг мавзуий гуруҳларга ажратиш уларнинг маъносига ва номинатив функциясига кўра ўхшаш қаторларга жамлашни кўзда тутди.

Демак, сўзларнинг мавзуий қаторлари деганда бир умумий мавзу, гоё атрофига бирлашган (уйғунлашган) сўзларни муайян гуруҳ (мавзулар) га жамлаш тушунилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ахлоқшунослик терминларини ҳам бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Ватанпарварлик тушунчаси билан боғлиқ терминлар.

«Она юрт — олтин бешик» — дейди доно халқимиз. Ўзбек халқ мақоллари орасида Ватан ва ватанпарварликка оид хикматлар кўплаб топилади.

Булбул чаманни севар,

Одам — Ватанни.

Ватан учун ўлмоқ ҳам шараф.

Ватани борнинг бахти бор,

Меҳнати борнинг тахти.

Ватанинг тинч — сен тинч.

Ватансиз инсон — куйсиз булбул

Она юртинг омон бўлса,

Ранги рўйинг сомон бўлмас.

Халқ мақоллари тилида ахлоқшуносликка оид жуда кўп терминларни ва термин бирикмаларини учратамиз. Масалан, Ватан тақдири ҳар бир кишининг тақдиридир. (Ватан тақдири). Ватан тинчлиги — инсонлар ҳаловати. (Ватан тинчлиги). Ватанпарварлик-боболардан қолган мерос. (Ватанпарварлик) Бегона юрт гўзаллиги тез кунда меъдага тегади (юрт гўзаллиги). Ватанфуруш — бошқа юртга ҳам вафо қилмайди. (ватанфуруш). Душман нстилоси ватанпарвар қалбини бўйсундира олмайди. (ватанпарвар қалби).

Ватан қудратининг тақдири — ёш авлод қўлида (ватан қудрати). Ҳарбий хизматни ўташ-юрт шаънини қўриқлаш демакдир. (юрт шаъни).

Ватанга содиқлик-муқаддас бурч. (содиқ- бурч).

Садоқатли — Ватан учун қурбон бўлишдан қўрқмайди. (садоқат).

Баҳодирлик-ўлимга чап бера олади. (баҳодирлик) каби.

Биргина Ватан сўзининг ватанпарварлик, ватанфуруш. ватанпарвар каби морфологик тузилишига эга эканлигига ва бу сўзнинг бир нечта ўхшашлик қаторларига гувоҳ бўлдик.

Ватанпарварлик Ҳадису шарифларда ҳам улуғланади. Иймонли кишининг бир фазилати эканлиги уқтирилади. «Ватанни севмоқ иймондандир», деган ҳадис

бежиз айтилмаган.

Ватанпарварлик — бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш.

Ватанпарварлик — бу ўзбек халқининг қадим - қадимлардан Турон, Туркистон деб атаб келинган кўҳна заминнинг тарихини билишга эришиш.

Ватанпарварлик — бу ўз миллатига, она ерига, иймонига содиқлик, Ватанпарварлик бу соғлом кучлар, соғлом тафаккур эгалари, дини, имони покизалиқдир.

2. Одамийлик тушунчаси билан алоқадор терминлар.

Одамийлик-юритилган фикр билан турли вазиятларда ўзини тутиши, турмуш муаммоларига муносабати билан ўлчанади.

Халқимиз одамийликни инсонийликнинг асосий сифатларидан бири сифатида доимо қадрлаб келган ва бу ҳақда кўплаб ҳикматлар тузишган. Ҳар бир одамнинг қадри -одамгарчилигига боғлиқ. Камтарлик, мардлик, ҳақиқатгўйлик ва сахийлик, одамийлик олий фазилатлардир.

Меҳрли ва иродали одам доимо азиз. Садоят ва вафо — одамийликдир.

Юқорида келтирилган халқ ҳикматлари ва мақолларида қуйидаги термин ва термин бирикмалар учрайди: Одамийлик, камтарлик, одамгарчилик, мардлик, ҳақиқатгўйлик, сахийлик, садоят ва вафо каби. Бу терминларнинг барчаси мавҳум от туркумига киради. Одамийлик термини одамгарчилик, одамшавандалик каби морфологик йўл билан ўзгариши мумкин.

Олийжаноблик қандай бўлншини билиш учун эмас, балки яхши инсон бўлиш мақсадида фикр юритишимиз лозим.

(Арасту).

(олийжаноблик, яхши инсон)

ахлоқли киши хатто ўз ҳаётидан айрилган тақдирда ҳам дўстлари ва ватани учун кўп ишлар қилади.

(Арасту)

(Ахлоқли киши)

Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади.

(Арасту)

Биргина ахлоқ терминларидан ахлоқли, ахлоқийлик, ахлоқан, ахлоқсизлик каби морфологик йўл билан терминлар ҳосил бўлади.

Одамийлик - бу одоб фазилатларидан бири бўлиб, одамларга кундалик ҳаётда инсонпарварлик муносабатида бўлишни тақозо қилади. Одамийлик-ўзида одамларга ҳурмат, ишонч ва ҳис қилиш, беғубор қалб, камтарлик, тўғрилнк, самимийлик каби ҳисларни ўзида мужассамлаштирган, одамийлик одамлар орасида камол топади ва ижтимоий муносабатларда ўз аксини кўрсатади.

Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарида одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиши, туғма яхшиликка алоҳида аҳамият бериб, шундай ёзади;

Сенга ким қиларкан одамгарчилик,

Жавоб бер унга сен қилиб яхшилик.

Вафога вафодир кишилик ҳаққи,

Вафо кил, одам бўл, ном ол мангулик

Буюк алломанинг ушбу тўрт катор байтида одамгарчилик. яхшилик. вафо. кишилик ҳаққи, вафо қил. одил бўл, мангулик каби термин ва бирикмалар учрайди.

Алишер Навоий ҳам дили, ҳам тили, ҳам амали билан одамий бўлган. У ўзининг қуйидаги байтида айтган одамийликни болаликдан ўз ҳаёти ва фаолиятида асос қилиб, унга умрбод риоя қилган ва ўзгаларни ҳам шунга тарғиб қилган.

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами

А.Навоий.

Яхши хулқли бўлгил ҳамда соф кўнгил,

Одамларга доттм инсофли бўлгил.

Бу меҳмонхонада яхшию ёмон,

Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.

А.Жомий.

(яхши хулқли, соф кўнгил, инсофли).

Фақат башарият бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шухрат келтириши мумкин.

Ч.С.Эмнер

(башарият бахти, боқий шухрат)

3. Ҳаёт, бахт, қувонч, умид тушунчасини ифодаловчи терминлар.

Яхши хулқли, соф кўнгил, инсофлик, башарият бахти, боқий шухрат, йўқчилик, хотиржамлик, тиниб-тинчимаслик, калтафаҳмлик, кудратли куч, лоқайдлик, тириклик, машаққат, фидолик, оптимизм, пессимизм, жасорат, эътиқод, нодонлик, роҳат, моҳият, завқ, сафо, юксаклик, монелик, машғуллик, ожиз, нотавон, ҳаракатсизлик, юраксизлик, хомхаёллик, аҳиллик, мулойимлик, фаросатсизлик, хасислик, тежамкорлик, боқийлик, сусткашлик, ғамхўрлик, фаровонлик.

4. Мехнат, меҳнатсеварлик тушунчасини ифодаловчи терминлар.

Шон-тараф, аҳил, ғайрат, шижоат, ирода, ҳаёлпарастлик, саховат, эътироф, ҳукм, гуманизм, содиқлик, улуғворлик, интизом, номус, сидқидил, иззат-икром, миннатдорчилик, фаолиятсизлик, охир-оқибат, ишчанлик, ўзбилармонлик, ишбилармонлик, сусткашлик, ютуқ, журъатсизлик, фаоллик, дадиллик, шошқалоқлик, қатъият, сабр-тоқат, бесабрлик, ҳузур-ҳаловат, тиниқлик, қаноат, шодлик, баркамоллик, дангасалик, бекорчилик, бардамлик, эстетик дид, ташналик.

4. Эътиқод, танқид ва хатолар тушунчалари билан боғлиқ терминлар.

Гўзаллик, мукаммаллик, раҳнамолик, фидойилик, изчиллик, журъатлик, роҳат, фароғат, донолик, софдил, шон-шавкат, истак, моҳият-эътибор, мулойимлик, ноқобил, ақл-фаросатлик, хушёрлик, хушфазилат, ноҳаққонийлик, номуносиб, бемаънилик, осойишталик, нафрат, совуққонлик, олийжаноблик, хушомадгўйлик, мунофиқлик, разиллик, сотқинлик, қотиллик, адолатсизлик, ҳақсизлик, ҳукмронлик, тараққиёт, шафқат, алдамчилик, турғунлик, иллат, ошкоралик, меъёр, қабихлик, хайрихоҳлик, шухратпарастлик, иқтидорлик.

5. Билим, тарбия ва таълим тушунчаларини ифодаловчи терминлар.

Кудратлик, улуғлик, истиқлол, иззат, довюрак, қатъий эътиқод, руҳият, билимсизлик, инсонийлик, маърифатлик, фароғат, хулқ-одоб, чанқоқлик, оқиллик, бефаҳмлик, саводлик, зиёлик, қўполлик, расмиятчилик, майнабозчилик, дағаллик, тилёғламалик, сохталик, иккиюзламачилик, мардонаворлик, собитлик, зехнлик,

хушфеъллик, билимдонлик, андишалилик, босиқлик, бардошлилик, тиришқоқлик, мукаммаллик, ишончсизлик, мойиллик, қизиқувчанлик, паришонхотирлик, ўқимишлилик, жохиллик, заковат, зеҳн, зулмат, калтабинлик, хурофот, билағонлик, даҳолик, ўқимаганлик, билимлилик, билишлик, риёкорлик.

7. Донолик, ақл ва нодонлик тушунчалари билан боғлиқ терминлар.

Бамайлихотир, тафаккур, батартиблик, мантиқ, донишлик, ақллилик, бебаҳолик, ғамгинлик, шодлик, ўктамлик, қобилиятлик, кўркемлик, нафислик, зийраклик, жўшқинлик, изчиллик, уддабуронлик, камтарлик, тафовут, сергаплик, топқирлик, ижодкорлик, ҳозиржавоблик, пухталиқ, шоширмаслик, одамшавандалик, вақтичоғлик, хушчақчақ, бардамлик, муғомбирлик, тўсқинлик, феъл-атвор, куч-ғайрат, фаҳмлик, эзмалик, кучлилик, фаросатсизлик, истехзо, телбалик, қаллоблик, бефаросатсизлик, ахмоқлик, маҳмадоналик, индамаслик, тортинчоқлик, мамнунлик, тентаклик, ўртамиёналик, чаласаводлик, фисқ-фужур, иззат-икром.

8. Тил ва сўз хусусида ишлатиладиган ахлоқшунослик терминлари.

Илҳом, ғайрат-шижоат, жипслик, фикр-туйғулар, майин, мужмал, афзаллик, равшанлик, аниқлик, жозоба, оҳангдорлик, синчковлик, қисқалик, ихчамлик, ноаниқлик, ифодалилиқ, оддийлик, дабдабалилик, жимжимадорлик, номукаммаллик, теранлик, далиллилик, шукуҳли, фармонбардорлик, такомиллик, равонлик, нафислик, бебаҳолик, куламлик, ўктамлик, майинлик, нотиклик, жарангдорлик, мазмунлик, соддалик, шўхлик, нозиклик, кўтаринкилик, завқ-шавқ, беқиёслик, ёқимлик, нафрат, адоват, мазмун, мусаффо, мағрур, сафсатабозлик, эзмалик, вайсақилик, мазмундорлик.

9. Баҳс-мунозара ва мутолаа тушунчаларини ифодаловчи терминлар.

Тортишув, келишмовчилик, сабр-бардош, чечанлик, дағаллик, англашилмовчилик, муҳокама, беақллик, қизғинлик, танбеҳ бахслашув, ойдинлик, терслик, хасталик, шон-шуҳрат, саҳоват, орзу-истак, мангулик, панд-насихат, ақл-заковат, илоҳий иззат, зиёфат, дид, малҳам, кузатувчанлик, иззат-эхтиром, чуқур ҳурмат, саводхонлик, уйғунлик, меҳр-муҳаббат, қайғу-алам, ҳамроҳлик, кўнгилхушлик, нозиклик, кўтаринкилик, синчковлик.

10. Дин ва эзгулик билан боғлиқ бўлган терминлар.

Насихат, яхшилик, ҳақлик, онглилик, имон, ишонч, итоат, тотувлик, маданиятлик, нафосат, бокиралик, инсонийлик, раҳм-шавқат, мулойимлик, саховат, халқчиллик, шариат, тариқат, адолат, ақида, барака, башорат, виждонлилик, гуноҳ, эътиқод, зикр, ибодат, илтижо, каромат, мумин, қобил, нажот, ризқ, савоб, тақдир, фарз, ҳалоллик, ҳурфикрлилик.

11. Эркинлик ва интизом тушунчаларини ифодаловчи терминлар.

Фаровонлик, бегуноҳлик, мурувват, қаттиққўллик, хайрихоҳлик, ожизлик, шавқат, илтифот, инсонпарварлик, тенгҳуқуқлик, мутелик, эҳтиёткорлик.

12. Инсоний фазилатларга оид ахлоқшунослик терминлари.

Мардлик, жасорат, вазминлик, қаҳрамонлик, ботирлик, идрокли, довюрақлик, оддийлик, даҳолик, камсуқумлик, соддалик, ҳақгўйлик, саҳийлик, адолатпарвар, муминқобиллик, ҳалоллик, одобилик, оққўнгиллик, софдиллик, шармисорлик, покизалик, эзгулик.

13. Дўстлик тушунчаларини ифодаловчи терминлар.

Биродарчилик, қардошлик, рушнолик, бардошлилик, садоқатлилик, қувноқлик, иноқлик, иродалик, қариндошлик, яқдиллик, ҳамкорлик, нуфузлик, тенглик, хушфёъллик, ҳамдардлик, ёқимлилик, меҳрибонлик, бахтлилик, омадлилик, маҳлиёлик, содиқлик.

14. Муҳаббат мавзусидаги ахлоқшунослик терминлари.

Ёқимлилик, чиройлик, сулув, нафис, жўшқин, севги, майинлик, ошиқлик, ишқ, хушторлик, тортинчоқлик, мусаффолик, жозибалик, боқийлик, олижаноблик, номус, шарм-ҳаё, эҳтиромлик, ҳис-туйғу, муносиблик, укинч, роҳат, енгилтаклик, синчковлик, серҳашамлик, ғамхўрлик, вафодорлик, ҳимматлилик, ҳузур, завқ, шавқ, рашқ.

14. Характер билан боғлиқ бўлган ахлоқшунослик терминлари.

Жиддийлик, мулойимлик, миждовлик, заифлик, бефаросатлик, қатъийлик, бемаънилик, дадиллик, қайсарлик, тиришқоқлик, ўзбилармонлик, бурчдорлик, хурсандлик, оташнораклик, таясанглик.

15. Хулқ ва маданият тушунчаларини ифодаловчи терминлар.

Хулқ-атвор, фидойилик, саховат, хушахлоқ, фазилатлилик, марҳаматлик, ҳиммат, қадр-қиммат, ҳурмат, иззат, ғурур, мукамаллик, хотиржамлик,

ишончлик, олижаноблик, камгаплик, камтаринлик, сермаънолик, ақллилик, беодоблик, истеъдодлик, хушмуомалалик, маърифатлилик, илтифот, миннатдорчилик, осонлик, оқилоналик.

16. Нуқсонлар, қусурлар ва камчиликлар хусусидаги терминлар.

Дангасалик, ялқовлик, бекорчилик, бачканалик, норозилик, лоқайдлик, фаолиятсизлик, бамайлихотирлик, хафсаласизлик, ўғрилик, ичкиликбозлик, вахшийлик, ландовурлик, бераҳмлик, тубанлик, қотиллик, серҳушлик, кашандалик, ифлослик, фаросатсизлик, худбинлик, хасад, разиллик, ғаразгўйлик, очкўзлик, қизғанчиқлик, исрофгарчилик, кўрқоқлик, журъатсизлик, раҳмсизлик, шуҳратпарастлик, манманлик, такаббурлик, димоғдорлик, фирибгарлик, иззатталаблик, мақтанчоқлик, айёрлик, ёлғончилик, қалбакилик, риёкорлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилик, тилёғламалик, қабихлик, нафрат, эмалик, гапдонлик, сергаплик, диққинафаслик, ёвузлик, зоимлик, қахр-ғазаб, жиззакилик, бузуқчилик, нчиқоралик, хафагарчилик.

17. Саломатликни ифодаловчи терминлар.

Ғамхўрлик, сиҳат, иззат, меъёр, хотиржамлик, машқ, нозиктаъб, охир-оқибат, хушчақчақлик, соғломлик, хурсандчилик, фидойилик.

18. Ёшлик, кексалик, ва умрбоқийлик ҳақидаги терминлар.

Орзу-умид, ўспиринлик, чанқоқлик, софдиллик, довюрақлик, самимийлик, жозибадорлик, ўсмирлик, зийраклик, мангулик, куч-ғайрат, эҳтиёткорлик, жўшқинлик.

Шу тарзда ўзбеку тилида учрайдиган ахлоқшунослик терминларини яна бир қанча гуруҳларга ажратиб ўрганишимиз мумкин.

2. Ахлоқшунослик терминларининг баъзи маъновий хусусиятлари

Терминологияда яна учрайдиган ҳодисалардан бири тилда синоним терминларнинг мавжудлигидир. Кўпгина олимларнинг фикрига қараганда, терминологияда синоним терминларнинг юзага келиши шу терминологик системанинг кучли ва конкретлигига салбий таъсир этиши мумкин. Биз ҳам кўпчилик олимларнинг ана шу фикрига қўшилаемиз.

Шундай қилиб, терминларда мавжуд бўлган лексик-семантик жараён

масаласи мунозарали бўлиб, унга аниқлик киритилганича йўқ. Баъзи олимлар терминологияда бундай лексик-семантик жараён мавжуд дейишса, баъзилари бу каби ҳодисалар йўқ деб кўрсатишади. Бизнинг фикримизча, терминларда лексик-семантик жараён йўқ деб билувчилар ўзлари шуғулланаётган терминология соҳаси билан, ўша термин табиати билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Масалан, биз шуғулланаётган ахлоқшунослик соҳасида антонимия мавжуд, биз буни иикор қилолмаймиз. Кўпгина олимларнинг таъкидлашича, термин бир маънолидир, шунинг учун унда ҳеч қандай полисемия ва синонимиянинг бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақда Ч.Н.Толкина шундай ёзади: «Терминологик система шундай ишоравий системадирки; унинг алоқаси ва мазмуни бир фан доираси билан зич боғланган, чегараланган. Ишора (знак) — сўз терминологик маънода қўлланилганда умумтилга хос маъносини йўқотади. Яъни, бир терминологик системада сўз термин маъносидан ҳам, умумтилга хос маънода ҳам ишлатилмайди.

Термин сифатида қўлланган сўзда терминологик маъно ҳам, умумтилга хос маъно ҳам мавжуд бўлса, у ҳолда ишора ўзининг энг асосий функциясини йўқотади. Шунинг учун термин полисемия, синонимия, антонимия ва омонимиядан махрумдир».

В.П.Даниленко ва бошқа олимлар эса терминлар ҳам адабий тилнинг лексик терминлари саналар экан, унда ҳам оддий сўзларда бўлган лексик- семантик жараёнлар мавжуд бўлган, лекин улардаги бу хусусият терминнинг бир бутун терминлик хусусиятини йўқота олмайди, деб таъкидлашади.

Ахлоқшунослик терминларининг антонимияси.

Ахлоқшунослик терминларининг бир-бирига қарама-қаршилиги нутқда, адабий тилда яққол кўзга ташланиб туради. Бундай терминларнинг антонимиялари асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

1.Морфологик усул ўз навбатида иккига бўлинади:

1. Суффикслар ёрдамида: одобилик-одобсизлик, умидлилиқ-умидсизлик, ишончлилиқ-ишончсизлик, фаросатлилиқ-фаросатсизлик, андишалиқ - андишасизлик;

2. Префикс — олд қўшимча ёрдамида, донолик-нодон, мардлиқ-номардлиқ, ахиллик-ноахиллик, самимийлик-носамимийлик, вафолик-бевафолик, хаёлик-

беҳаёлик.

П.Супплетивизм (сўзларнинг ўзакларида ўзгариш рўй бериш) йўли билан антоним ҳосил бўлиши: меҳнатсеварлик-ишёқмаслик, ҳалоллик-текинхўрлик, тўғрилиқ-эгрилик, яхшилиқ-ёмонлик ва ҳ.к.

Ахлоқшунослик терминологиясида морфологик йўл билан антоним ҳосил қилиниши маҳсулдор усул ҳисобланади.

Инсофли ошини ер

Инсофсиз — бошини.

Ноинсофга эрк берсанғ, элни талар.

Ушбу ўзбек халқ мақолларида инсоф термини аффикслар ёрдамида антоним ҳосил қияпти: инсофлик-инсофсиз, ноинсоф.

Одоблик белгиси-

Эшилиб салом бергани.

Одобсиз бетга чопар.

Одобни беодобдан ўрган.

Одоблилик — одобсиз — беодоб.

Умид қилдим — етдим,

Ноумид бўлдим — йиқилдим.

Умидли иш умидсиз бўлмас.

Умидли-умидсиз-ноумид.

Морфологик усул билан антоним ҳосил бўлишида олд қўшимчани бир хусусиятини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Чунки префиксли сўз ҳосил бўлиш асли ўзбекча (туркий) сўзларда деярли йўқ, олд қўшимчалар асосан чет тилларда, хусусан, форс-тожик ва араб тилларидан кириб келган сўзлардагина қўлланилади.

Донога иш — шону шуҳрат,

Нодонга иш - ғаму кулфат.

Доноликнинг чеки йўқ.

Донолик-подонлик.

Мардлик — кишининг ҳусни,

Номардлик — унинг акси.

Мардлик — номардлик.

Вафосизга берилма,

Вафолидан айрилма.

Бевафо ёрдан вафодор ит яхши.

Вафоли-вафосиз, вафо-бевафо.

Ахил оила — бахтли,

Ноахил оила — вақтли.

Ахил-ноахил.

Беҳаёлар бел боғласа,

Хаёлилар уйга кирар.

Хаё-беҳаё.

Номус ўлимдан қаттиқ.

Номуссиз юрмоқдан номусли ўлмоқ яхши.

Беномусга кунда тўй.

Номусли-номуссиз-беномус.

Аффикслар ёрдамида ҳосил бўлган антоним терминларни кўриб чиқдик.

Энди супплетивизм (ўзакда ўзгариш рўй бериш) йўли билан антоним ҳосил бўлган бир канча терминларни мисол келтирамиз.

Яхшилик нур келтирар,

ёмонлик -зулмат.

Яхшилик-ёмонлик.

Дўстлик қилганга хиёнат қилма,

Душманлик қилганга шафқат.

Дўстлик — душманлик.

Ботирлик шаҳар олар,

Қўрқоқлик шаҳар берар

Ботирлик - қўрқоқлик.

Ахлоқшунослик терминларида антонимия билан бир қаторда омонимия ҳам маълум миқдорда учрайди. Омонимия, худди синонимия ва антонимияда бўлганидек, минимум икки тил бирлиги орасида юзага келади.

Карам. I. (арабча от: эскирган, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, яхшилик.

Карам қилмоқ, карам айламоқ. Карамингизни мендан олманг.

Тангрининг карами кенг. Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар.

Карам II. (тожикча) от. Барглари ўрам бўлиб ўсадиган сабзавот. (капуста) Карам шўрва. Тузланган карам. Бир бош карам.

Мартаба I. (арабча -«даража, ҳолат, мавке») от. Юқори ижтимоий мавке, амал. Мартабангиз яна ҳам улуғ бўлсин.

Мартаба II. (тожикча эскирган), (ҳозиргиси марта) Ойим ҳам ... биринчи мартаба Тошкентга борди ва республика марказидан Қамишқапага айтиб тугатиб бўлмас хотиралар билан қайтди.

Хайр I. (арабча —«яхши, яхшилик») от. Бева-бечорага, тиланчига бериладиган, садақа, эхсон. Хайрли иш, хайр-саҳоват, хайр-садақа, хайр-эхсон.

Хайр сўровчилар кўпайган эди.

Хайр II. Ундов сўз. Кетаётганда, видолашганда айтилади. Хайрлашмоқ, хайрмаъзур, хайр-хўш. Хайр, Гофуржон, бир умрга хайр.

(Ҳ.Ҳ.Ниёзий «Бой ила хизматчи»).

Ҳузур I. (асли арабча) роҳат, ҳаловат, от. Бирор нарсадан қониқиб роҳатланиш, яйраш. Ҳузурланмоқ, ҳузур қилмоқ. Ҳузур кўрмоқ. Ҳузур топмоқ. Ҳузур бағишламоқ. «Ёзда тоғ-тоғ ўтин тайёрлаймиз, ҳузурини хўжайинлар кўради. (Ойбек. «Қутлуғ қон»).

Ҳузур II. (ҳозир бўлиш, олдида бўлиш). От; Қабул, ҳузурига чақирмоқ, ҳузурига кирмоқ.

«Балки Дилдор «Султон Жўра» номли совхозга, Азизнинг ҳузурига ҳам кечиктириб бўлмайдиган, муҳим ва зарур ишлари билан боргандир»

(Ҳ.Ғулом. «Бинафша атри»).

Хуллас, оддий сўзлар лексик-семантик гуруҳланиш (полисемия, омонимия, синонимия, антонимия) қонуниятига асосланган экан, демак, термин саналган махсус лексик бирлик ҳам нутқда ишлатилганда лексиканинг ана шу умумий қонуниятига бўйсунди, яъни лексик-семантик ўзгаришларга йўл қўяди.

Термин биринчи танланишда, маълум бир илмий тушунчани аташида ҳар қандай полисемия, омонимия, антонимиядан ҳоли бўлишга ҳаракат қилади. Аммо термин нутқда ишлатилиши натижасида оддий сўзлар каби ана шу жараёнларга йўл қўйиши маълум бўлади.

ЎЗБЕК ТИЛИДА АХЛОҚШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛУҒАВИЙ ВА ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. АХЛОҚШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЯСАЛИШИ

Ҳар бир тилда бўлгандек, ўзбек тилида ҳам у ёки бу тушунчани ифодалаш учун бир қанча усуллардан фойдаланилади. Проф. А.Ғ.Ғуломовнинг қайд этишича, ўзбек тилида сўз яшашнинг беш хили мавжуд. Булар қуйидагилар:⁵

1. Морфологик усул (аффиксация).
2. Синтактик усул (редупликация, композиция, аббревиация).
3. Лексик усул (бир туркумдаги сўзни бошқа туркумга кўчириш билан яшаш).
4. Семантик усул.
5. Фонетик усул (ички ўзгаришлар йўли билан яшаш ва акцентуация).

А). Морфологик усул.

Бунда ўзак-негизга сўз ясовчи қўшимчалар қўшилади. Бундай сўз ёки термин яшаш кўпгина тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам энг маҳсулдор усулдир.

Терминологиянинг бошқа соҳалари каби ахлоқшунослик терминлари ҳам тузилишига кўра содда, қўшма ва бирикма терминлар шаклида бўлади. Ўз навбатида, содда терминлар тузилишига кўра, туб ва ясама бўлади. Ясовчи аффикслар ёрдамида сўз яшаш-аффиксациянинг тилдаги катта имкониятини қайд этиб, тилшунос олим Н.М.Шанский: «Сўз яшашнинг ниҳоятда бой, ихчам ва сермахсул усули аффиксациядир»⁶ - деб ёзган эди.

Р.Дониёровнинг «Научно-технические терминьт-словосочетание» номли ишида бирикма терминларнинг аниқловчи компонентини ҳосил қилган 29 та

аффикс қараб чиқилган. Бизнинг илмий ишимизда эса буларнинг сони анча кам. Уларнинг миқдори 10 тага ҳам етмайди. Бунинг сабаби ҳар бир терминологик тизимнинг ўзига хос хусусиятлари борлигидандир.

⁵Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз ясалиш йўллари ҳақида. Т. 1949. 39-бет

⁶Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. М. 1953.

«Ўзбекча-русча луғат» даги 40000 дан ошиқ сўзнинг 75-80%и аффикслаш (ё суффикс, ё префикс қўшиш) билан ясалганлиги, аффиксациянинг тилдаги катта имкониятидан далолат беради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қарийб 300 та сўз ясовчи суффикс ва префикслар мавжуд.

Тадқиқот объектимизда термин ясашда қўлланилган аффиксларни кўриб чиқамиз:

1. —лик суффикси: умумтил доирасида ниҳоятда фаол адолатлик, одоблик, хаёлик, ибодик, машҳурлик, етуклик, донолик, тўғрилик ва ҳ.к.

Яхшилик теграсида уйрула олмасанг,
яхшилар теграсида уйрул.

А.Навоий. (331).

«Амр қилдимки, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси — аҳиллик. тоза наслилик; иккинчиси — ақл-фаросатлилик; учинчиси — сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; тўртинчиси— сабр—чидамлилик ва тинчликсеварлик».⁷

Дўстликпийиғ узилмас ришталари: мсхр, имон, диёнат ва виждон уйғунлиги. Аммо унинг халқлари - Ватан туйғуси ва халқ ишқидир.⁸

2. **-сиз(лик):** адабсизлик, ахлоқсиз, ибосизлик, хаёсизлик, хурматсизлик. Бахтсизлик фақат кураш билан енгилади.

А.Шенье.

Кўзинг оч бўлмасун, ўғлим, кўзинг оч.

Қаноатсиз кишини ухлатиб қоч.⁹

3. **-парвар(лик):** Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига меҳр-муҳаббат ҳиссини таркиб топтиради.¹⁰

⁷ " Темур тузуклари. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т, 1996. 94 бет.

⁸ Махкамов У. Ахлоқ одоб сабоқлари. Т., Фан. 1994. 45 бет.

⁹ А.Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилд. Т., Маънавият. 1998. 27 бет.

¹⁰ Махкамов У. Ахлоқ одоб сабоқлари. Т., Фан. 1994. 56 бет.

Ватанпарвар — ватанга хизмат қилаётган кишидир, ватан эса бу авваламбор халқдир.

Н. Г. Чернишевский.

4. -чилик:

1. Ижобий ахлоқшунослик тушунчаларини билдирувчи терминлар: тшсончилик, халкчилик,

2. Салбий ахлоқшунослик тушунчаларини билдирувчи терминлар:

бекорчилик, келишмовчилик.

Бекорчилик ва айши-ишрат нафақат нодонликка олиб келади, айти вақтда касалликнинг туғилишига ҳам сабаб бўлади.

Ибн Сино. Фикрдаги келишмовчиларпп кечириб кетиш қийин. (Т.Г. 177)

5. -гарчилик: одамгарчилик, инсонгарчилик, исрофгарчилик. <<Одамгарчилигп бор мард киши ўздан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эгалик қилмайди»¹¹. -ийлик: одамийлнк, ахлоқийлик, инсонийлик, одобийлик. Ахлоқийлик ақл кучини туйғу кучига нисбатлиги демакдир. Т.Г. (27) «Одобиилик, эзгулик, инсонпйлик каби маънавий қадриятлар шахс камолотида дастурамал бўлиб келмоқда»¹²

7. -чанлик: талабчанлик, таъсирчанлик, кўнгилчанлик, уятчанлик. Ишга талабчанлпк — тараққиёт гарови.

8. — дор. Вафодор.

9. — шинавандалик: одамшавандалик. Кулги одамшинавандаликдир.

Т.Г. 147 Л.Н.Толсгой.

10. Бе -: беҳаё, бевафо, беномус, беҳурмат, бебаҳо. Жохилликдан бесаодатрок нима бор?

Т.Г. 134. А.Навоий.

¹¹ Хикматлар хазинаси. Т., Ёш гвардия. 1977. 88-бет.

¹² Махкамов У. Ахлоқ одоб сабоқлари. Т., Фан. 1994. 101-бет.

Ақлли кишилар —_бебаҳо қомус.

Т.Г. 144. Гёте.

11. Бад-: бадбахт, бадфёъл, бадқрвоқ.

12. Ба-,бо-: бадавлатлик, бақувватлик, боодоблик.

Боодоблик ёрдамида хаттоки куч билан эришиш мумкин бўлмаган талабга эришиш мумкин. Т.Г. 362.

13. Но-: ноҳалол, номуносиб, нокрбил, ноинсоф, нодон. Номуносиб воситаларни оқловчи мақсад, ҳеч қачон юксак мақсад бўлолмайди. Т.Г. 99.

Ноқобил фарзанд — авлодлар инкирозига сабаб бўлади.

14. Хуш-: хушахлоқлик, хуштабпатлик, хушмуомалалик, хушчақчақлик. Хушмуомалаликка ҳақ ^уланмаса ҳам у кўп наф келтиради. Т.Г. 362.

Б). Ахлоқшунослик терминлари синтактик йўл билан ҳосил бўлиши.

Ўзбек тили терминологиясида яқка сўзли терминларга нисбатан синтактик усул билан ясалган терминлар анча салмоқли ўринни эгаллайди. Бунинг сабаби, синтактик усул билан ясалган терминлар барча тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам муҳим номинатив манба саналади. Уларда ифодаланаётган нарсанинг белгиси шундоққина ифодаланиб туради, улар билишсизликдан билиш сари ҳаракат жараёнида ижтимоий амалиёт маълумотларини мустаҳкамлашда «сўздан иборат тўсик»ни ошиб ўтишга ёрдам беради.

Синтактик йўл билан ясалган терминлар асосан икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг қўшилишидан ташкил топади. Улардаги бириккан ўзаклар ўзлари англашаётган маъно ва предметларнинг ўрнига ёки вақтга бўлган муносабатини ёхуд бирининг иккинчисига қарамлигини, ўхшашлиги каби хусусиятларни ифодалайди.

От+от типдаги терминлар: софдиллик, софвиждонлик, меҳмондўстлик. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги бутун оламга машҳур.

Ахлоқшунослик соҳасига оид бундай терминлар ёзувда кўпинча чизиқча билан ишлатилади: бахт-саодат, ахлоқ-одоб, хулқ-атвор, шон-шараф, меҳр-шавқат, хайр-саховат, қадр-қиммат, ор-номус, шарм-ҳаё, фаҳм-фаросат, обрў-эътибор, орзу-ҳавас, сабр-токат, куч-ғайрат, орзу-истак ва бошқалар.

Шон-шавкат юксак мақсад сари интиланнинг мулкидир. (т.б.96).

Фирдавсий.

Китоблар орзу-истак туғдиради. Т.б. 180.

От+феъл: инсонсевар, меҳнатсевар, тинчликсевар.

Меҳнатсевар қалб доимо ўз касби билан машғул бўлмоғи лозим.

Т.Г. 91.

Сифат +от: оққўнгил, калтафаҳм. Оққўнгилликнинг оти ҳам озмас, тўни ҳам тузмас.

Ўзбек халқ мақоли.

Калтафаҳм одамлар одатда ақлларига сиғмаган нарсаларнинг ҳаммасини қоралайди. Т.Г. 107.

Илм-фан тилининг асосий қисми бўлган термин содда ва ихчам структурали ва аниқ маъно англатиши керак. Тузилиши мураккаб бўлиб қолган терминлардан гап тузиш ва нутқ жараёнида ишлатиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун мураккаб терминларни танлашда ёки уларни яшашда бирикма-термин таркибидаги сўзлар сонини имконияти борича камайтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, сўзларни камайтирган пайтда англатиши лозим бўлган илмий тушунчани моҳияти, конкретлиги бузилмаслиги керак.

Демак, мураккаб терминнинг неча сўздан иборат бўлиши шу термин англатган илмий тушунчанинг характериға қараб белгиланиши лозим. Ҳар қандай термин битта тушунчани ифодалагани, моносемантик характерда бўлгани маъқул. Икки ёки ундан ортиқ тушунчани билдирган термин полисемантик характерға ёки омоним сўзға айланиб қолиши мумкин, бундай ҳолда терминлик хусусияти йўқолади.

2. АХЛОҚШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛУҒАВИИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Терминлар доирасида ўзлашмаларнинг салмоғи катта. Буни ахлоққа оид терминлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, ўзга халқ тилларидан ўзлаштиришға асосан халқлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий-саноат ва маданий алоқалар сабаб бўлади. Бунга тилнинг ички манбалари йўл очиб беради.

<<Хар бир халқ у ёки бу тарзда фарк қилиб турадиган, бинобарин, бошқасига ўхшамайдиган мамлакатда яшаб, ўзининг мавжудлиги билан бошқа бирор халқ ифода этмайдиган ўз идеясини акс эттиради. Шунинг натижасида, ҳар бир халқ рух са билншни эгаллаш соҳасида фақат унинг ўзига хос томонларини қўлга киритади ва ўзининг маънавий бойликлари учун тил ҳамда терминология яратади» — деган эди рус мутафаккири В.Г.Белинский.

Лекин «Тилни соф миқдорий кўпайтириб бориш унинг сифатий ёмонлашувига ва бўшашувига олиб келади... Тилнинг лексикаси нафақат миқдорий, балки сифатий жиҳатдан ҳам кўпайиб боради: эски ва янги маънолари ўртасидаги муносабатлар қайта англашилади. Луғатни миқдорий кўпайтириш ўз-ўзидан муҳимдир, бироқ бу ҳол унинг сифатий трансформацияси билан қувватланмаганлиги учун тилнинг маъно жиҳатдан ворислигини йўқотишга олиб келган бўларди».¹³

Шундай қилиб, халқлар ўртасида, тушунчани, бинобарин, сўзларни ўзаро алмашиш зарурияти олдиндан бор ва давом этиб келмоқда.

Бу иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг кўпайиши билан боғлиқдир. Ўзбек тилига чет тилларнинг таъсирини атоқли олим Э.Бегматов қуйидагича ёритиб берди. Ўзбек тилининг луғавий қатламларини атрофлича тахлил қилиб, махсус монография эълон қилди ва унда асли ўзбекча (туркий) лексик қатлам билан бир қаторда бошқа тиллардан ўзлаштирилган, лексик қатламлар ҳам борлигини алоҳида уқтириб ўтган.

Ўзбек тилига чет тилларнинг, хусусан, форс-тожик, араб ва рус тилларнинг кўрсатган таъсири жараёнини ёрита туриб, олим ташқи манбалар, яъни ўзлашма қатламнинг қуйидаги таркибини келтиради:

1. Форс-тожикча лексик қатлам.
2. Арабча лексик қатлам.
3. Русча-интернационал лексик қатлам.¹⁴

¹³ Будагов А.Р. Инсон ва унинг тили. М., 1974. 169-бет.

¹⁴ Бегматов Э. Хозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Т., 1985. 173-бет.

Шу нуқтаи назардан ўзбек тили лексикасида кўплаб чет сўзларнинг бўлиши ажабланарли хол эмас. Ўзбек тили лексикасига назар ташланар экан, унинг таркибида жуда қадимий: баркурдор, бедод, беҳбуд, билик, бихил, боно, бузруквор, виқор, далер, дамсоз, дарс, дилкушо, диловез, дилпазир каби, унча қадимий бўлмаган; иноят, карам, махбуб, махлиқо, риё, фасод, латофат, комил, лутф, малохат, маъруф каби ва янги даврда кириб келаётган чет сўзларни пайқаш қийин эмас. Ташқи манба ўзбек тили лексикасида ўзига хос из қолдирган ва бу жараён ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Масалан, араб ва форс-тожик тилларидан ҳозирги вақтда сўз ўзлаштириш тўхтаган бўлсада, уларнинг айрим сўз ясовчи воситалари тобора фаоллашиб бормоқда.

Ахлоқшунослик терминларига луғавий изох беришда, мумтоз адабиёт асарларидан фойдаланишга қарор қилдик. Ўзбек мумтоз асарларида, умумтуркий, араб ва форс-тожик сўзлари кўпроқ учрайди. Ушбу изохталаб терминлар ҳозирги кунда истёъмолдан чиққан, ёхуд кам истёъмол қилинадиган терминлар жумласидандир.

Ахлоқшунослик терминларини луғавий хусусиятларини таҳлил қилишда, ишимизга асос қилиб, мумтоз шоирларимиздан Лутфий, А.Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат ва Гулханийларнинг асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Терминларга изох беришда эса В.Раҳмоновнинг «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»¹⁵ дан фойдаландик.

Туркий тасаввуф шеърятининг атоқли вакили Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарига назар солсак юзлаб-минглаб ахлоқшунослик терминларига дуч келамиз. Шу терминларнинг бир нечасини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

¹⁵ Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Т., Ўқитувчи. 1983.

Бисмиллоҳ, деб баён айлаб ҳикмат айтиб,

Ғолибларга дурру гавхар сочдим маио,

Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар ютиб,

Ман дафтари соний сўзин очдим мано.¹⁶

Ҳикмат — билим, донолик, фалсафа, сир, илоҳий илм, моҳият.¹⁷

Риёзат — ўз нафсини ўлдириш, ахлоқий ва маънавий покланиш
йўлидаги қийинчиликлар.

Сўзни айтдим ҳар ким бўлса дийдор талаб

Жоним жонга пайванд қилиб, рағни улаб,

Ғариб, фақир етимларни кўнглин овлаб,

Кўнгли қаттиқ ҳалойиқдин қочдим мано.¹⁸

Дийдор талаб-Худо дийдорини кўришга талабгор:

Малҳам — сирдош, дўст, бунда худонинг ҳузурига яқинлашиш
назарда тутилган:

Моуманлик — кеккайиш, дунё ва унинг бойлигига берилиш, манманлик.

Ишқ бобини Мавлим очгач, манга тегди,

Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди.¹⁹

Журму исён — итоатсизлик гуноҳи.

Имонимга чангал уриб қилди ғамнок,

Пири муғон ҳозир бўл деб сочди тарёк,

Шайтон лаъин мендан қочиб, кетди бебок.

Бихамдуллоҳ, нури имон очдим мано.¹

¹⁶ А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 41 бет.

¹⁷ Барча изоҳлар. 9 синф Ўзбек адабиёти мажмуасидан олинди.Т., Ўқитувчи. 1995. 125-140 бетлар.

¹⁸ А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 41 бет.

¹⁹ Ўша асар. 42-бет.

²⁰ А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 44-бет.

Пири мугон — тариқат раҳбари, илоҳиёт сари бошловчи пир. Бихамдуллоҳ — оллоҳга шукур.

Нури имон — оллоҳнинг борлигига, қудратига ва пайғамбарига, китоблари ва фаришталарига имон келтиришдан қалбда порлаган нур.

Таом топсанг, жонинг била қилгил меҳмон,
Хақдин эшитиб бу сўзларни айтдим мано.²¹

Хақ - Худо, олий ҳақиқат.

Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом
Нафсим ўлуб ломаконга оштим мано.²²

Нафс — емак — ичмакдан ташқари, мол-мулкка ҳирс қўйиш, ёмой ахлоқий хислатлар: ҳасад, худбинлик, мансабпарастлик каби майлларнинг умумий номи.

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиқ дилозордин худо безор,
Оллоҳ хақи, андек қулга сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб бу сўз айтдим мано.²³

Суннат- йўл,одат,қоида, ислом дини йўл-йўриқлари. Сижжин- ҳукм, фармон.

Шундай қилиб шоириинг ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ёндашганлиги кўриниб турибди. Улуғ мутафаккир исломий ақидаларга таянган, ҳар бир кечираётган бугунги кунимиз ҳам шуни талаб қилмоқда. Шоирнинг «Ҳикматнома» асарини бир томондан насихат тарзида, иккинчи томондан эса мавзумизга оид терминларга бой бўлганлиги учун чуқурроқ таҳлил қилишга қарор қилдик.

Бу оламда расво бўлиб қон ютмасанг,
Шариатда, тариқатда пир тутмасанг,
Хақиқатда жону тандан пок ўтмасанг,
Ғафлатларинг сени не деб жудо қилсун?²⁴

²¹А.Яссавий. Ҳикматлар. Т.. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 45 бет.

²²А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 45 бет.

²³ А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 47 бет.

²⁴ А.Яссавий. Ҳикматлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 9 бет.

Шариат — мусулмон киши амал қилиши лозим бўлган қоида қонунлар, талаб ва расм-русумлар.

Тариқат — сўфилик йўли, нафс зулмидан қутулиб, кўнгилни поклаш орқали руҳий — маънавий камолотга эришиш даража босқичлари. Хақиқат — тангри таоло, унинг мавжудлиги. Ғафлат — худобехабарлик.

Яъни, шунга ўхшаш атамалардан: бузурк — улуғ (96) риё-мунофиқлик. алдамчилик (97) фосик-бузук ахлоқли киши (97), бадкирдор-ёвуз ниятли киши (101) шокир-шукр этувчи, (105) сано-мақтов (106) субҳон-мақтовли. таърифли (108) сафо-тоза, пок (108):

Хайрати аброр кўруб зотини,
«Хайратул-аброр» дедим отини.

А.Навоий «Хайратул-аброр»

«Аброр» сўзининг луғавий маъноси яхши кишилар, пок одамлар демакдир.

Бу ишдин мезбонга ажо ғолиб,
Анинг кўнгли тилар ашёга толиб.

А.Навоий «Фарход ва Ширин» 13-6.

<<Ажо>> сўзининг маъноси ожизлик, кучсизлик, хорлик, нотавонлик демакдир.

Мен сувдин айласам азимат жазм,
Ул қуруғлик саридин айлаб азм...

А.Навоий «Сабъаи сайёр» 14-6.

Азимат-ният, қарор, киришмоқ, бошламоқ.
Залм ҳарфидин бўлакни битмаган аз руйи лутф.
Хат чиқариб яхши, қуш имлолигитшгдин доғмен.

Муқимий 14-бет

Аз руйи лутф — марҳамат юзасидан, яхшилик юзасидан. Бошқа асарларда ҳам одоб-ахлоққа оид терминлар кўплаб учрайди. Акмал-камол эгаси, энг етук, билимдон, маънавий камолот эгаси:

Улumu фанда Афлотундан афзал,
Камоли ақлу дониш бирла акмал.

Фурқат «Илм хосияти» 15 6.

Алтоф-лутфлар, марҳаматлар, яхшиликлар, эзгуликлар:

Бу дамким, гул қилур булбулга алтоф
Атойига ҳам эҳсон вақти бўлди.

Атоий. 17-6.

Аржуманд — азиз, иззатли, шарафли, м>'ътабар, ақлли:

Санга мулкунгда бўлмоқ ўлса майл,
Лек фарзанди аржуманд Суҳайл...

Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» 226.

Ари-тоза, покиза:

Агар сен гулсан, ул ойдин аридур,
Ва гар хурсен, ул худ паридур,

Мавлоно Лутфий «Гул ва Наврўз» 226.

Бақо- боқийлик, мангулик, абадийлик, мавжудлик, борлиқ.

Бақо туфроғидин силкар замон енг,
Бу доғи ул иккиси тенг дурур, тенг.

А.Навоий «Фарход ва Ширин» 33 б.

Ўзбек мумтоз адабиётларда учрайдиган ахлоқшунослик терминларини таҳлил қилишда, уларнинг айримлари маъноси ўзгарганлиги, айримлари ҳозир термин сафидан тушиб қолганлиги, айримлари эса ҳозир ҳам термин сифатида ишлатилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Терминология доирасида ҳам оддий сўзлардаги сингари лексик-семантик жараёнлар содир бўлади. Чунки терминологик тизим ҳам фан-техника, ижтимоий ҳаёт тараққиётига боғлиқ равишда ўзгариб, бойиб, янги маънолар касб этиб боради, эскиради, янгиланади, тор доирадаги сўздан кенг истёъмолдаги сўзга айланади. Табиийки, бу жараёнда турли хил лексик-семантик ҳодисалар юзага келади. Бу жараён турли хил терминологик тизимларда ҳар хил кечади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ахлоқшуносликка оид терминларни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Ўзбек тилшунослигида, хусусан, лексикологияда ахлоқшунослик терминларини луғавий ва маъновий хусусиятларини тадқиқ этишга қанчалик кўп эътибор берилган бўлса, уларнинг грамматик хусусиятларини ўрганишга ҳам шу қадар эътибор бериб келинмакда.

2. Мазкур ишимизнинг Кириш қисмида терминологиядаги, хусусан, рус тилшунослигида терминларни ўрганилиши, эришилган ютуқлар, муаммолар устида тўхталдик. Шу жумладан, ахлоқшунослик терминларининг ўрганилиш аҳволи ҳақида ҳам маълумот бердик. Бундан ташқари, ўзбек терминологиясига оид ютуқлар ва муаммоларни таҳлил қилганимиз ҳолда, ахлоқшуносликка оид ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдирдик. Жумладан, ахлоқ-одобга оид муқаддас манбаларимиз бор эканлигини таъкидлаганимиз ҳолда, уларнинг ўрганиш аҳволи, бугунги кундаги ўрганилиши муаммолари устида тўхталдик.

3. Тадқиқот ишимизнинг I боб, 1-бандида ахлоқшунослик терминларининг мавзуй гуруҳланиши (ватанпарварлик, одамийлик, меҳнат, эътиқод, донолик каби) ни таҳлил қилдик.

4. Ишнинг I боб, 2-бандида ахлоқшуносликка оид баъзи терминлар (интизом, ишонч, мардлик, поклик, инсонпарварлик ва ҳ.к.) нинг маъно хусусиятлари таҳлил қилиндики, бу ишимизнинг катта ютуғи ҳисобланади.

5. Тадқиқот ишимизнинг II бобида ахлоқшунослик терминларининг луғавий ва грамматик хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Ишнинг II боб, 1-бандида ахлоқшунослик терминларининг морфологик (аҳиллик, ахлоқсиз, одамийлик, вафодор каби) ҳамда синтактик (шон-шавкат, инсонсевар, оққўпгил ва ҳ.к.) усул билан ясаилиши хусусида гап боради.

6. Ишнинг II боб, 2-бандида ахлоқшунослик терминларининг луғавий хусусиятларига етарли тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик ва имконият даражасида бир қанча терминларни луғавий хусусиятлари ўрганиб чиқдик. Бунда биз, ахлоқшунослик терминларини лексик қатламларга бўлиб чиқиб, тадқиқ қилдик. Жумладан, туркий қатлам, форс-тожик ва араб тилига мансуб жихатлари

мисоллар асосида таҳлил қилинди. Ишқ, мазлум, нафс, ҳақ, ҳақиқат, шариат, аброр, алтоф, дарк каби ахлоқшунослик атамаларининг ўз ва кўчма маънолари изоҳланди.

7. Булардан ташқари, ишрмизда ахлоқшунослик терминларининг шаклдош ва маънодош ҳолатлари (карам, хайр, ҳузур каби) ҳам таҳлил қилинди.

8. Ишимизнинг II боби охирида ахлоқшунослик терминларининг қисқача изоҳли луғати берилдики, бу шу соҳа бўйича иш олиб бораётган ўқувчи ва талабаларга қўлланма булса ўзимизни бахтиер ҳис қиламиз.

Биз баён қилмоқчи бўлган асосии хулосалар шулардан иборат.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 682 бет.
2. Каримов И.А. Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохатлар йўлидир. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 153 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 350 бет.
4. А.Жомий. Баҳористон. Тошкент, 1979.
5. А.Навоий. Маҳбубул қулуб. Тошкент, 1983, 311 бет.
6. А.Навоий. Ҳайратул аброр. Тошкент, 1983, 125 бет.
7. Алиқулов. Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Тош., 1989. 89 бет.
8. Асқаров А. ва бошқалар. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т., Фан. 1990. 34,46,48,80 бетлар.
9. Аҳмаджонова Ф. Адабиёт ва ахлоқий тарбия. Тошкент, 1988, 154 бет.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис. II жилд. 1996, 621 б
11. Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрат. Тошкент, 1990. 302 бет.
12. Аҳмад Ходий Мақсудий. Шаърий ҳукмлар тўплами. Тошкент, 1990, 198 б.
13. Аюпов А. Никоҳ, қонун ва ахлоқ. Тошкент, 1979.
14. А. Авлоний. Танланган асарлар. I жилд. Тошкент, Маънавият, 1998, 270 бет.
15. 11. А. Авлоний. Танланган асарлар. I жилд. Тошкент. Маънавият. 1998. 302 бет
16. Абу Райхон Беруний. 100 ҳикмат. Тошкент, 1993, 64 бет.
17. Ал-Бухорий. Дилда ёр. Тошкент, 1993.
18. Бозоров О. Худойкулов Н. Ахлоқий кадриятлар ва ислом. Сам, 1992.
19. Виноградов В.В. Вступительное слово «Вопрос терминологии. Материалы Всесоюзного терминологического совещания», М. Издательство АН СССР., 1961. Стр.6-7.
20. Воҳидов. Э. Яхшилар аччиқ ҳақиқат. Тошкент, 1992.
21. Валиева. Н. Дўстлик ва севги. Тошкент, 1969, 73 бет.

22. Воиз Кошифий. Футувватномаи Султония. Тошкент.
23. Жўраев А. Ўзлигини англаш мавриди. Тошкент, 1990, 124 бет.
24. Жўраев А. Назимо қизлар тарбияси. Тошкент, 1994, 93 бет.
25. Жўраева Г. Инсон барчанинг сарнарий. Тошкент, 1993, 103 бет.
26. Жумабоев Й. Урта Осиё этикаси тарихидан очерклар. Тошкент, 1980.
27. Зоҳидов. В. Олам беағидир одам. Тошкент, 1976, 135 бет.
28. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991.
29. Исайхов Х, Қосимова М. Ахлоқ гўзаллиги. Тошкент, 1970, 110 бет.
30. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Тошкент, Фан, 2001, 214 бет
31. Муҳаммад Авфий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, 1977.
32. Мирзакалон Исмоилий. Инсон ҳусни. Тошкент, 1989, 345 бет.
33. Мир Аммон Дехлавий. Боғу баҳор. Чор дарвеш. Тошкент, 1989, 207 бет
34. Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф. Имон. Тошкент, 1991.
35. Махмудов. Р. Дегонимни улусқа марғуб эт. Тошкент, 1992.
36. Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф. Шоядки тақводор бўлсак. Тош., 1992
37. Махмудов И. Турмуш зийнати. Тошкент, 1991, 101 бет.
38. Мирзо Хайрулло Хўжандий. Ахлоқи заллимо. Тошкент, 1994, 133 бет.
39. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент, Фан, 1994, 132 бет.
40. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб масалалари. Тошкент, Фан, 1993, 129 бет.
41. Мадаев О, Собитова Г. Халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. Шарқ. 2001.
208 бет
42. Махмудов Р. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. Тошкент, 1990.
43. Махмудов Р. Кошифий ахлоқшунос олим. Тошкент. 1990.
44. Носириддин Бурхонуддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. 1-, 2-китоб.
Тошкент, 1990.
45. Насафий. Боҳоуддин Нақшбанд. Тошкент, 1993, 178 бет.
46. Орипов А. Ҳаж дафтари. Тошкент, 1992.
47. Оила ахлоқи ва одоби. Тошкент, 1995, 187 бет.
48. Олимат ул-Банот. Муошарат адаби. Тошкент, 1991.
49. Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Оила. Тошкент, 1991.
50. Саъдий. Гулистон. Бўстон. Тошкент, 1968.

51. Сиддиқов Т, Муқсимов А. Ахлоқ ва давр. Тошкент, 1984, 148 бет.
52. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Тошкент, 1991.
53. Сайф уз-зафар Навбаҳорий. Дур-ул-мажолис. (Мажлислар дурдонаси) Тошкент, 1991, 188 бет.
54. Темирова, Назарова. Жамият ва қадриятлар. Тошкент, 1992, 138 бет.
55. Тўраева О. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. Тошкент, 1990, 129 б
56. Темур тузуклари. (Ахмедов Б тах.рири остида). Тошкент. 1996. 344 бет
57. Усмонов М. Маданият ва ахлоқ. Тошкент, 1986, 153 бет.
58. Усмонов М. Ёшларнинг ахлоқ маданияти. Тошкент, 1988, 123 бет.
59. Усмонов Р. Саодатнома. Тошкент, 1985.
60. Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент. 1993
61. Фаридуддин Аттор. Илоҳийнома. Тошкент. 1994
62. Хазрати Хожа Убайдулло Ахрор. Рисолаи Волидая. Тошкент. 1991
63. Хайруллаев А. Уйғониш даври ва шарқ мутафаккири. Тошкент. 1971
64. Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир. Тил ва адабиёт институти асарлари. Тошкент, 1949.
65. Абдурахмонов Н. Ўзбек тилида жуфт сўзлар. Самарқанд, 1969, 168 бет.
66. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент. Фан. 1985. 199 бет
67. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент, 1979
68. Дониёров Р. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солишнинг айрим масалалари.- «Ўзбек тили ва адабиёти» 1979, 3-сон.
- 69.6. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Тошкент, 1977.
70. Турсунов У. , Мухторов Ж., Раҳматуллаева 111. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975, 367 бет.
71. Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъати лексикаси. Тошкент, 1978.
72. Толкина Е.Н.-Некоторые лингвистические проблемы изучения термина. М. 1970. 5-7-бет.
73. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составидаги тожикча-форсча ва арабча

сўзлар. Тошкент. 196

74. Усмонов О., Ақобиров С. Ўзбек тили илмий терминологиясининг ривожланиш тарихига оид. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1972.6 сон, 78-бет.
75. Фахри Камол. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1953.
76. Маматов Н. Ўзбек тилида қўшма сўзлар. Тошкент, 1982.
- 77.12. Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент.
78. Олим Усмон., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, 1965, 675 бет.
79. Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. Тошкент, 1960, 167 бет.
80. Ўзбек халқ мақоллари. Т., Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 92-бет. " Ўша асар . 304 бет.
81. Ҳикматлар хазинаси. Т., Ёшгвардия. 1977. 106 бет.
82. Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. Тошкент, 1979.
83. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида. Тил ва адабиёт институти асарлари. Ўзбек тили грамматикасидан материаллар. 1 китоб. Т., Ған. 1949. 39-бет.